— Бундан бири неча йил муқаддам, — дейди Жорилла Хайруллаевич, — солиқ муаммоси тор доирадаги мутахассисларни қизиқтирар эди. Ҳозир аса бу нараса барчаннинг диққат марказида турган энг долзарб масала бўлиб турирди. Албатта, бу табиий ҳол. Маъмурий маҳкамачилик шароитида солиқ тизими иккинчи даражали нараса эди. Чунки корхоналар ва фуқароларнинг даромадлари миқдори юқоридан белгиланарди.

Режалар-маъмурий иқтисодий бошқарувдан бозор иқтисодиётига ўтиш солиққа бўлган муносабатини тугдан ўзгартирди. У иккинчи даражали воситадан жамиятнинг иқтисодий ҳаётига давлат томонидан қучли тарада таъсир қилдирилган омилга айланди.

Бозор иқтисодиёти тизимига ўтган давлатларда солиқ давлат ва корхоналарнинг, шунингдек фуқароларнинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини белгиловчи омилга айланган. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётига таъсир ўтказувчи — у хоҳ фариса бўлсин, ёки корпорация ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятида эркин ҳисобланади. Уларнинг даромади қанчалик рақобатбон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига боғлиқ. Ана шундай шароитда солиқ ишлаб чиқариш кучлар ва жамият ўртасидаги иқтисодий механизм тақомиллаштирувчи куч сифатида майдонга чиқарди.

Босқичма-босқич бозор иқтисодиёти сари дадил қадам қўйётган республикамиз учун солиқлар иқтисодий ҳаётимизда муҳим роль ўйнамоқда. У бюджетнинг даромад қисми вужудга келишда асосий ўрин тутарди. Халқнинг иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш учун давлатнинг катта маблағлари керак бўлмоқда. Шу билан бир қатор давлатнинг шакллантириш, ҳокимият бошқарувининг янги тизимларини тузиш учун ҳам анчагина маблағлар керак бўлаётир.

Шу боис солиқ тизимини ишлаб чиқишда бозор иқтисодиётига ўтаётган бир шароитда чет эл сарможаларининг кириб келиши ва ўзининг ишлаб чиқариш кучларининг ривожлантириш билан боғлиқ тафовусларни аниқлаш асосий вазифадир. Шу муносабат билан республикамизда айни пайтда амалда бўлган солиқ тизими ишлаб чиқарувчи кучларга энгиллик беришни кўзда тутарди. Бу борада кўзда тутилган тадбирлар жуда дадил, уларни ҳозир қайд этишнинг иложи йўқ. Фақат Давлат солиқ бош бошқармаси

Молия вазирлиги билан ҳамкорликда ишбилармонлиқни иқтисодий жиҳатдан янада қучайтириш чораларини кўрмоқда.

Утши даврда солиқ хизмати олдига турган вазифаларнинг миқёси кенг ва рағбатбарандир. Солиқча оид қонунчиликни тартиб қилиш, кадрларни тайёрлаш ва уларни яқиний жиниятда хизмат қилиш, замонавий техник воситаларни жорий этиш, киним-чиқим ва ҳисоб-китобларни янада тақомиллаштириш ана шу вазифалар сарасига кирарди.

Солиқ тизимининг барқарорлиги жуда муҳим ўрин тутушини алоҳида қайд қилмоқчиман. Бизнинг чет эллик ҳамкорларимиз ва ўзининг ишбилармон одамларини солиқ сиёсатининг қаттиқлиги эмас, аксинча, иқтисодий сиёсатининг ўзарувчанлиги кўпроқ ташвишга солади. Ишбилармон одам ҳар қандай қондага мослашни мумкин. Фақат битта шарт билан: у белгиланган муддат ичда бу қонда ўзгармаслигига ишончи қомил бўлиши керак.

Солиқ тизимини шакллантириш натижасида шундай дарвлар келадими, бизнинг ҳам ишбилармон одамлар худди мажмур америкалик иқтисодчилар: «Менга солиқ тулаш жуда ёқарди. Мен у орқали тараққиётни сотиб оламан», деб баралла айтишларига умид қиламан.

Ю. РЯЖЕНЦЕВ ёзиб олди.

## Давра сўхбати

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг янги Конституциясида асослаб берилган давлатчилик модели ва бошқарувининг президентлик усули жамиятимиздаги бугунги барқарорлиқни таъминламоқда, эртага эса мамлакатимизни гуллаб-яшнаган юртга айлантиради. Тубандаги давра сўхбатига ана шулар ҳақида гап боради.

Фуқаролар ва давлат ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбурият орқали боғлангандирлар.

К. НОРМАТОВ, тарих фанлари доктори: — ЎЗБЕКИСТОН БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, мустақил суверен давлатга айланган бугунги кунда унинг ҳар бир фуқароси оғида Ватан ҳисси янгица шаклланимоқда. Бу арқин ҳиссиёт, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги пайдор қонун-қондаларга асосланади. Конституциянинг 18-моддасида шундай фикр баён этилган: Ўзбекистон Республикасининг ҳамма фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эришчиларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, иқтисодий чиқиси, эътиқоди, шахсий ва иқтисодий ҳолатидан қотий назар қонун олдида тенгдирлар.

Бироқ ўз халқи ва ўз ўлкаси тарихини билмай туриб, Ватанини севиб бўлмайди. Тарихни билишгина фуқароларни собик Итифоқини қўмсаш касалидан фориқ этади. Жамиятнинг 70 йилдан зиёд вақт бошқариб келган тоталитар тартибнинг, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг бутун бемаъниликларини чуқур англаб етмоқ лозим. Шундай кучли демократик давлат барпо етмоқ керакки, унда ҳамма фуқаролар қонун олдида тенг бўлсинлар. Ўзбекистоннинг буюк келажagini ана шу вазифаларнинг бир бутунлигида кўриш мумкин. Озод ва гуллаб-яшнаётган бу мамлакатда ҳокимият тизимлари ҳар кунги фаолиятида умуминсоний қонун-қонда ва қадриятларга таянади.

Шу ўринда Конституциянинг ўн тўққизинчи моддасини эслатиш жоиздир. Модданинг мазмунини қўйиладиган: Ўзбекистон Республикасини фуқаролари ва давлат ўзаро ҳуқуқ ва мажбурият билан боғланганлар. Фуқароларнинг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ ва эришчилари пайдор бўлиб, ҳеч ким судени ундан маҳрум етломайди ёки чеклаб қўйилмайди.

Шундай қилиб, давлат ва фуқаролар ўзаро масъулиятлар. Кучли ҳокимият ана шу масъулият маҳсули бўлиб, шундай ҳуқуқатинга тараққиётнинг мулқола ангина йўлига кирган мамлакатнинг чинакам фидойилари бўлиши ўз фуқароларининг хавфсизлигини таъминлай олади ва бошқа қулайликларни яратиб беради.

Конституциявийлик принципи жамиятнинг оғида барча давлат қонунларининг ягона ва бузиламас асос сифатида ўрнашиб қолмоғи керак.

Г. ИВАНОВ, фалсафа фанлари номзо-ди:

— МАЪЛУМКИ, жамиятда яшоб туриб, ундан мене бўлолмайди. Бу фарзини ҳокимият тизимига нисбатан ҳам қўлаш мумкин: ҳар қандай ҳокимият пировад натижада жамиятнинг сиёсий маданияти ва сиёсий онги ривожининг даража кўрсаткичи ҳисобланади. Бу тугал ҳақиқат бўлиши мумкин эди, аммо таскари боғлиқлик ҳам бор. Унинг натижасида сиё-

сатнинг ҳам субъекти, ҳам объекти ўртасида ўзгаришлар юз беради. Ҳар сайлаган ҳокимиятга жамиятнинг таъсирини узиш-кесил деб бўлмайди. Негаки, ҳокимият жамиятга сезиларли таъсир ўтказиш йўллариини излайди. Бунда у нафақат ҳамма қабул қилган қонун ва қондалардан фойдаланади, балки жамиятнинг ўзи қабул қилган қонунини ҳурмат қилишга (ва бажарилишига) мажбур этади. Демократия, инсон ҳуқуқлари ва янгица иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши жамиятда турлича ҳиссиёт уйғотмоқда. Бундай вазиятда фақат қонунга амал қилиш жамоат тартибини сақлашгина жамиятнинг кўнгилдагидек ривожланиши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

Ўзбекистон Президентини И. Каримов Тошкентда хороний журналистлар олди-

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистоннинг 1992 йилнинг декабрида қабул қилинган Конституциясида ўз аксини топган. Ишончлики, унинг асосий қонун-қондаларидан фойдаланиш турмушимиздаги кўпгина масалаларни бартерф этиб, бугунги кунда бизни ташвишга солиб турган муаммоларни ҳал этган бўлур эди.

Фақат кучли давлатгина ўз фуқароларини ҳимоя қила олади.

И. КАРИМОВ, фалсафа фанлари номзо-ди: — ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг суверенитетини эълон қилинган, мустақил давлатнинг биринчи Конституцияси қабул қилинган муҳим ва ноҳиятан тарихий воқеа бўлди. Эндиликда давлат ҳокимиятчилик Конституция ва Қонун йўли билан ваколат берилган идоралар томонидангина амалга оширилмоқда. Давлатни бошқаришнинг жаҳон тажрибаси инобатга олинган ва пухта ўйланган тамойил ҳокимиятни қонунчилик, иқтисод ва суд органларига бўлишди. Бу бизнинг Конституциямизда ҳисобга олинган. Ҳокимиятни уч тармоқга бўлиш ва ҳар бирининг мустақиллиги тар-

ларини мустақамлашнинг асосий йўналиши ҳар томонлама чуқур, илмий асосда очиб берилган.

Бугунги кунда бутун ҳўжалик тамойиллари тизимини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, иқтисодий интизомини мустақамлаш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш устидан давлат назоратини қучайтириш жуда муҳимдир. Ҳокимиятнинг ҳамма тизимларда Президент Фармонлари, Вазирилари маҳкамаси қарорларининг ижроси устидан бирдек изчил назорат ўрнатилмоғи лозим.

Давлатимиз тоталитар тузумдан, бошқарувини маъмурий-буйруқбозлик усулидан демократик жамиятга, бозор муносабатларига ўтиш сари дастлабки ишончлик қадамини қўйди. Бунда ҳокимият тизимларининг ислохотчи роли каттадир. Фақат давлат, қонунчи сайланган ҳокимиятга ислохотчи бўлиши мумкин ва лозим.

Ҳаётимизда юз бераётган барча ўзгаришларнинг илдизин халқнинг маънавий-ахлоқий уйғонишдадир.

М. РАҲМОНОВА, фалсафа фанлари номзо-ди:

— ЖАМИЯТНИНГ ҳамма соҳаларида янгилашни рўй бераётган бугунги кунда маънавий-ахлоқий омиллар янада муҳим аҳамият касб этади. Мустақил Ўзбекистон тараққиётнинг ахлоқий негизлари умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг маънавий меросларини мустақамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг ўз куч ва имкониятларини эркин рўйга чиқариши каби энг муҳим тамойилларга асосланади.

Аммо, шуниси ҳам борки, жамият бутун аъзолари юксак сиёсий маданиятга эришган тақдирдагина бу мумкин бўлади. Чунки, сиёсий маданият умуминсоний маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, у аҳоли барча қатламлари ва гуруҳлари фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Жамиятимииз янгилашни жарафинини бошдан кечирётган ҳозирги шароитда фикр ва ғояларнинг хилма-хиллиги, сиёсий маданиятнинг маъжудлиги ҳар бир онгли фуқаро учун янада муҳим аҳамият касб этади, бунинг жамиятнинг сиёсий маданиятини ошириш зарурати тугилади.

Ўзбекистон Республикасидаги янгилашни жарафини сиёсий маданиятнинг ривожлантириш вазифасини янгица тарзда қўяди. Бу сиёсий маданият асосларини, янгица сиёсий назарияни жаҳон тараққиётининг замонавий тамойиллари асосида бутунлай янгилаш демократид. Бу одамлар тафаккурда ангина умуминсоний, сиёсий ва иқтисодий-ахлоқий қадриятларини шакллантиришмоқ лозим. Янги вазифалар ҳуқуқий давлатни барпо этиш, демократияни ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш қарор топтириш, сиёсий ва маданий ўтмишга, тарихий тажрибага эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва, ниҳоят, сиёсий фаолият усуллари ва сиёсий қарорлар қабул қилиш борасида туб ўзгаришлар ясадан иборатдир.

Бу вазифаларнинг ҳаммаси Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажак буюк давлат китобларида ўзининг тенг ифодасини топган. Бу китобларнинг маънавий-ахлоқий қиммати бекиндир. Ўзбекистон Республикасини учун ҳаётли аҳамиятга молик бу вазифаларнинг мазмун-моҳиятини бир жумлада ифодалаб, шундай деган бўлур эдим: «Ўз тақдиримиз — ўз қўлимизда».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### «ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

#### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари маҳкамаси: маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни; Ўзбекистон Республикасида махфийлаштирилган маълумотларнинг маълумотлар рўйхатини; Ўзбекистон Республикасининг алоҳида тартибга бўйсунувчи объектлар рўйхатини; Ўзбекистон Республикасида махфийликни сақлаш тартибидан таъминлашга доир йўриқномани ишлаб чиқиши ва тасдиқлашини;

давлат сирларини сақлаш борасидаги ишларни пул билан ва моддий-техника билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ИҶДОШЕВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

## «Ил»лар Хоразмга учмоқда

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпаниясида оғир юк ташувчи учурларнинг янги йўналишига асос солинди: республикамиз пойтахтидан кўтарилган замонавий ИЛ-76 ТД самолёти Галаба кўни байрами арафасида Урганч тайёрагоҳига қўнди.

Хоразмликлар бундан аввал ИЛ-18, ТУ-154 каби ҳаво кемаларининг вилоят марказига илк парвозини эътиборга ҳаётдаги ақоибойи воқеа сифатида кутиб олишганди. Қудратли юк учурларнинг дастлабки ташрифи ҳам ўзига ҳос тантана тусини олди.

Техник мақсаддаги дастлабки парвога «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаконпанияси учини мажмуи бошлиғи Абдулла Араббоев раҳбарлик қилди. Самолётни эса биринчи даражада учувчи Сайфиддин Шобобов раҳбарлигидаги махкамали ҳаво лочинлари гуруҳи бошқарди. Биз авиаконпаниянинг бош техник директори Эгамберган Полвонов билан сўхбатладик.

— Урганч — республикамизнинг Тошкент, Самарқанд ва Фарона шаҳарларидан сўнг салобатли «ИЛ»лар қатнай бошлаган туртинчи шаҳардир. — деди у. — Парвоз мўлжаллангандан янги ўтди. Маажур тай-

ерагоҳини учини-қўнш майдонини айни «ИЛ»от вканида қатъий ишонч ҳосил қилдик. Икки йил муқаддам обдон таъмирланган бу майдон ҳар қанча парвознинг барча талабларига ҳам жавоб беради. Ҳатто у ИЛ-86, «Бонинг» каби замонавий ҳаво кемаларини ҳам бемалол қабул қила олиши мумкин.

Пироваддаги учини-қўнш йўлқарини замонавий талаблар даражасига келтириш, учинининг ташкилий муаммоларини ҳал этишда сабот ва ғайрат кўрсатган вилоят раҳбариятига, Урганч тайёрагоҳи жамоасига, вилоят йўл қурилиши ва таъмирлаш бирлашмаси меҳнатчиларига ташаккурини изҳор етмоқчиман. Ишонаверинг, Урганч тайёрагоҳи мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқболни порлоқ тайёрагоҳларидан биридир.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» музбири.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

БОКС

ТАМПЕРЕДАН хабар қилишларича, Х. Аҳмедовдан (51 кг) бошқа ҳаётларимиз жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқич ўйинларида мағлубитга учрашди.

А. Григорян француз боксчисига, У. Сиддиқов (51 кг) молдован А. Скрибинига, 91 кг оғирликда қатнашган А. Маскел кубалик жаҳон чемпиони Баллодога ютқазиб қўйди.

Химматилла Аҳмедов ярми финалга йўлланма олди. У мисрлик рақибини ярми финалда енгса, олтин медал учун ютқазган тақдирда, бронза медал учун яна рингга чиқади.

ФУТБОЛ

«МЕХНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» ўйингоҳида МХСК—«Наврўз» учрашуви билан 10-тур ўйинлари бошланди. Бу учрашувда меҳмонларнинг устуллиги сезилиб турди. Улар 19-дақиқада ҳисобни очигина муваффақ бўлишди. Ҳақиқатдан ҳам бу неча дақиқа сукутга чўмди. Чунки муҳлислар Биродар Абдураимов шогирдларининг бу ўйинда галаба қозонишини истардилар. Шогирдларнинг ўзлари ҳам шу мақсадда майдонга тушишганини сезилди. Негаки, эртаси кун Биродар Абдураимовнинг тутилган кун эди. Аммо, негадир уларнинг ўйини тезда қозушармади. Меҳмонларни фақат қарши ҳужумдагина тўтиш мақсада мувофиқ

келди. Шундай саноқли ҳужумларнинг бирида чап қанотдан ўзатишган тўпни Нисом Насриддинов боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни танглаштирди. Иккинчи бўлимда ҳам аввал меҳмонлар ҳисобдан олдинга чиқиб олишди. Бу тўпни жамоа сардори 11 метрли белгидан дарвозага киритди. Учрашунинг биринчи қисми охирида майдонга тушган Фурқат Эсонбоев МХСК қарши ҳужумини гол билан яқунлади. Ҳисоб яна танглашди. Ушбу дақиқадан бошлаб ҳарбийчилар ўйин суратини бироз тезлаштирдилар. Айниқса, Б. Мошев ва А. Абдураимовлар чаққон ҳаракатлари билан ажралиб турарди. Айнан шу икки ўйин-

чи уюштирган навбатдаги ҳужум 71-дақиқада Азаматнинг дарвозага тўп киритиши билан тугади. Шундан сўнг ҳарбийчилар иложи борича тўпни узокроққа тепиб, вақтдан ютишга ҳаракат қилдилар. Бу услуб уларга қимматга тушди. Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда иккинчи бўлимда майдонга тушган Қиличев тўп киритиб, «Наврўз»ни мағлубиятдан сақлаб қолди. Учрашув 3:3 ҳисобида дуранг натижа билан тугади. Шу кунги Жиззахда «Сўғдиёна» Фарғонанинг «Нефтич» жамоасини қабул қилди. Учрашувда дуранг натижа (1:1) қайд қилинди.

Р. ЖУМАЕВ.

Жанубий Корейнинг «ДЭУ» корпорацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида энгил машиналар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳақида битимга эришилган. Айни кунларда Жанубий Корейдан олиб келинган ҳар хил марбдаги энгил машиналар «Ўзсөлхотмаш» концерни ва «Ўзавтосервис» корхонаси томонидан сотилмоқда. Бу машиналарга техник хизмат кўрсатадиган шохобчалар ҳам қўриб нишга туширилган. Яқинда техник хизмат кўрсатиш бош корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Техник хизмат кўрсатиш корхонаси бош директори Набинон Жўраевнинг таъкидлашича, бу ерда хизмат қилаётган ишчилардан 19 киши Жанубий Корейда таҳсил олиб қайтишди. Бу корхонада бошқа республика фуқаролари учун ҳам имтиёзлар бор. Машиналар сотилаётган дўнонда харидорлар сотиб олган энгил автомашиналарини ҳужжатлаштириб бериш ва аксонспенция рўйхатидан ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТЛАРДА: 1. Мутахассис минозага энгил машинани таъинишмоқда. 2. Корейда таъиниш ортириб қайтган уста Виталий Пак чет эл машиналарига намунали техник хизмат кўрсатишмоқда. 3. Сотилма ҳозирлаб қўйилган автомашиналар.



Е. БОТИРОВ олган суратлар.



ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ МОШИНАСОЗЛИК КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

ТошМКБ

қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш соҳалари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради:



- тарвуз шарбати ва бошқа шарбатларни қайта ишловчи линиялар;
- бир суткада 4 тонна сахар ишлаб чиқарувчи кичик қавд заводлари;
- тегирмонлар ва бошқа турдаги ускуналар;
- сариёғ ишлаб чиқарувчи кичик цехлар.

Маҳсулотларни қайта ишлаш чиқатқисиз ва экологик тоза технологияларга асосланган. ТошМКБнинг юқори малакали меҳнат жамоаси металлларга ишлов бериш, пайвандлаш, механик йиғув ва электр монтаж ишларини амалга ошириш учун бўш қувватларга эгадир.

Ҳозирги пайтда 1994-95 йилларга буюртмалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Жуковский кўч., 72 'А' - уй. Телефонлар: 33-92-25; 33-66-94.

КОНСОРЦИУМ ТЕКНЕСТС = INFO

Янги келган маҳсулотлар IBM PC/AT - 286, 386, 387 негизда дастурий-техникавий мажмулар. 'MBL', 'UNIMEX' фирмасининг 5,25 дискетлари. Экран муҳофазаси филтри /тўрсимон/. 'CITIZEN 839', 'CEDAR B86' калькулятори. 'PANASONIC KX-50B' телефакси. 'CANON 3525' ксерокси икки рангли /қизил, қора/. 67-25-57, 67-85-86 СИЗЛАР БИЛАН БИРГА - КЕЛАЖАККА!

ДИҚҚАТ!

«ЗИЛ — 130 В» (шахсий) прицепли юк автомашинаси сотилади ёки бошқа вариантлари кўриб чиқилади. Телефон: 91-10-69.

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВИРПАШМАСИ

Жумҳуриятимизнинг барча тиббий муассасалари билан ўз маҳсулотларини сотиш мақсадида 1993 йилга шартномалар расмийлаштиришни давом эттирмақда.

- КАМ ҚОНЛИҚДА ИШЛАТИЛАДИГАН Ферамид 0,4 №100 - таблеткаси Фитоферролактол №30 - таблеткаси Дармон 40 г. - гранулалари
ОРИК ҚОЛДИРУВЧИ Новокан 0,5 / эритмаси 2 мл №10 - инъекция учун Новокан 2 / эритмаси 2 мл №10 - инъекция учун Анастезин 0,3 №10 - таблеткаси
РАВОНЛАШТИРУВЧИ Сенадексин №10 - таблеткаси Сенаде №10 - таблеткаси Вазеллин ЕГИ 25,0 - суюқлиги
АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ Валериана 25,0 - настойкаси
ГИҶЖАЛАРГА ҚАРШИ Медамин 0,1 №10 - таблеткаси каби дори турлари шулар жумласидандур.
Тўлиқ маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин 700081 Тошкент шаҳри, Т.Шовченко кўчаси, 34-уй. Телефонлар: 56-71-68, 54-66-68

ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ВА КАСАВА УЮШМА РАЙСЛАРИ ДИҚҚАТГА!

Тошкент тажриб ишлаб чиқариш корхонаси (ТЭП) «Конструктор» - бошқаруви соғлоллаштириш оромгоҳига пул ўтказиш йўли билан ва нақд пулга йўлланмалар сотади. Оромгоҳ Бўстонлик ҳудудда жойлашган. Манзилгоҳ: Тошкент, Галаба кўчаси, 1-уй Маълумот учун телефонлар: 48-15-01, 48-17-71, 48-10-01

Чиннихон ИБРОҲИМОВА

Республикада 30-йиллардаги ёшлар ҳаракатининг фаолларидан бири Чиннихон Иброҳимова шу йил 13 май кунини 85 ёшида вафот этди. Чиннихон Иброҳимова 1908 йил 5 мартда Қўқон шаҳрида туғилди. У бошланғич мактабни битиргач, Москва шаҳрида ишчилар факультетига, Москва Қизил профессорлар институтининг Тошкентдаги филиалида ўқиди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ҳузуридаги республика пропаганда-дистлар мактабининг тингловчиси бўлди.

1927 йилдан 1945 йилгача комсомол-партия органларида фидоқорона меҳнат қилди. Қўқондаги Эски шаҳар туман комсомол қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон комсомол Марказий Қўмитасининг бўлим мудири, Андижон шаҳар партия қўмитасининг инструктори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг инструктори, туман партия қўмитасининг котиби лавозимларида ишлаб, ўз ҳамкасблари, ўртоқлари ўртаси-

да муносиб ҳурмат-эътибор қозовди. Чиннихон Иброҳимова 1945 йилдан 1980 йилгача республика Хукумати девонида турли масъул лавозимларда ишлади. У пенсия ёшдалигига қарамастан умрининг сўнги кунларигача республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келди. Чиннихон Иброҳимова ёшлар давраларида, республика шаҳар ва қишлоқларидаги ёшлар анжуманларида тез-тез бўлиб турарди. У тўрғусиз, принципал инсон эди.

Ч. Иброҳимова фидоқорона меҳнатлари учун қатор медаллар, ёрлиқлар билан таъдирланган эди, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлганди. Чиннихон Иброҳимованинг порлоқ хотираси уни билган, таниган барча кишиларнинг қалбига узоқ вақт сақланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўлидан «Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлганди.

ДИҚҚАТ — КОНКУРС!

Маълумки, ҳар қандай иқтисодиётнинг кони-нефтидир! Жамиятнинг ривожланиши ва халқнинг турмуш даражаси кўп жиҳатдан аяна шу бойлигимизга боғлиқ. Шунинг учун ҳам баъзан «юра олтин»нинг нархи тиллодан ҳам қимматроқ бўлиб қолади.

Бутун дунёда аса бензин, мазут, солярка ва нефтан олинадиган минглаб хилдаги маҳсулотларнинг ҳар бир литрини тежаб ишлатиш одат тусига кирган.

Шу муносабат билан «Ўздавнфтехсўлоғ» англо-негил бирлашмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси нефть маҳсулотларини тежаб ишлатиш ва иқтисодий масалаларнинг илғор тажрибаларини оммавий ахборот воситаларида энг яхши ёритиш ҳамда тарғибот қилиш бўйича.

РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда барча профессионал журналистлар, штатсиз муаллифлар, рўнома, журнал, телевидение ва радио таҳририятларининг жамоалари иштирок этишлари мумкин. Тақдим этиладиган иш ҳоҳланган жанрда ёзилган ва текланмаган ҳажмда бўлиши мумкин. Ёзилган — мойлаш материалларини тежабда амалий жиҳатдан аҳамият касб этадиган ишларнинг кўпи голиб бўлиши мумкинлигини унутманг!

Ғолибларга қуйидаги миқдорда пул мукофотлари белгиланган:

Республика газета ва журналлари, телевидение ва радиоси ўртасида:

- 1 — ўрин — 50 минг сўм
2 — ўрин — 30 минг сўм
3 — ўрин — 20 минг сўм.

Ҳар бири 10 минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Вилот, шаҳар ва районларнинг кўп нусхали газета ва журналлари таҳририятлари ўртасида:

- 1 — ўрин — 40 минг сўм
2 — ўрин — 20 минг сўм
3 — ўрин — 10 минг сўм.

Ҳар бири беш минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Шунингдек, конкурсга журналистларнинг алоҳида ишлари ҳам қабул қилиниб, уларга қуйидаги миқдорда пул мукофотлари белгиланди:

- 1 — ўрин — 40 минг сўм
2 — ўрин — 20 минг сўм
3 — ўрин — 10 минг сўм.

Ҳар бири уч минг сўмдан бешта рағбатлантирувчи мукофот.

Ғолибларнинг ҳаммаси диктофон, видеокассета, телефон ва қимматбаҳо совғалар билан ҳам таъдирландилар. Буидан ташқари конкурснинг фаол иштирокчиларига ҳам совға ва пул мукофотлари белгиланди.

Ижодий ишларни расмийлаштирган ҳолда Журналистлар уюшмасининг вилот ташкилотига ёки тўғридан-тўғри Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг бошқарувиغا юбориш керак.

Манзилгоҳ: 700129, Тошкент, Навоий кўчаси 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг конкурсига. Ижодий ишлар 1993 йилнинг 31-декабрга қадар қабул қилинади.

Конкурсда қатнашувчиларга омад тилайми!

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Б. Норбоев.

ҚУТУРИШГА ҚАРШИ КУРАШИНГ!

Кутуриш - ҳайвонлар ва одамлар орасида учрайдиган оғир юқумли касаллик. У аксари ўлим билан тугайди.

Кутуриш касаллигини асосан дайди итлар ва ёввойи ҳайвонлар юқтиради. Улар тишлаганда кутуриш касаллиги одамга ва ҳайвонларга юқади. Кутурган ҳайвон сўлагининг шикастланган терига тушиши ҳам у тишлагандаги каби хавфли бўлади.

Одамлар ва ҳайвонларнинг кутуриш касаллигига мубтало бўлмастиклари учун ит эгалари қуйидагиларни билишлари зарур:

- итни сотиб олгандан сўнг ва бошқа жойга кўчиб боргандан кейин 5 сутка ичида уни рўйхатдан ўтказиш керак. 6 ойлик ва ундан катта итлар рўйхатга олиниши лозим;
- итларни ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш ва кутуришга қарши профилактик эмлатиш учун яшаш жойидаги ветеринария шифохонасига олиб борилади;
- итни маҳкам боғланган ҳолда ёки алоҳида хонада сақлаш, кўчага олиб чиққанда эса бурундик кийгизиб; бошвоғини калта қилиб, ушлаб юриш керак;
- итни сотганда ёки бирор ерга олиб боришда унинг рўйхатга олинганлиги ҳақида гувоҳнома ва ветеринария гувоҳномаси ( ветеринария назоратининг справкаси) бўлиши шарт.

ФУҚАРОЛАР!

Кутуриш билан касалланиб ўлган ёки кутуриш касаллиги аломатлари борлигига шубҳа қилинган ҳайвонлар ҳақида тезда ветеринария муассасасига ёки яшаш жойингиздаги медицина муассасасига, участка милициясига, қишлоқ ёки посёлка советига хабар қилинг.

Ит ва мушукларнинг дайдиб юришига йўл қўйманг! Кўчаларда ва жамоат жойларида дайдиб юрадиган рўйхатга олинган ва бўйинбоғида номери бор, барча итлар, шунингдек рўйхатдан ўтмаган дайди итлар, кўчада юрган мушуклар дайди ҳисобланган.

Эсингизда бўлсин! Кутуриш билан касалланган ит (мушук) ўнлаб одамлар ва ҳайвонларга ташлашиши, уларнинг ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Агар одамни ва ҳайвонни ит, мушук ёки бошқа ҳайвон тишласа, ё бўлмаса унинг сўлаги шикастланган терига тишса, тезлик билан шу яқиндаги ветеринария ва медицина муассасасига ёрдам учун боринг.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ [масъул котиб, «Халқ сўзи»], Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ [масъул котиб, «Народное слово»], Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаднор ҚОРАБОВЕВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Ғойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.